

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХАТАМОВ ХАЙРУЛЛА МУСУРМОНОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН ОЛИНГАН СУРТМА
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ
ХОССАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of the Doctor of the Science (DSc)

Хатамов Хайрулла Мусурмонович Маҳаллий хомашёлардан олинган суртма дори воситаларининг аллергияга қарши хоссаларини баҳолаш.....	3
Хатамов Хайрулла Мусурмонович Оценка противоаллергических свойств в виде мазей полученных из местного сырья.....	29
Khatamov Khayrulla Musurmonovich Evaluation of the anti-allergic properties of the ointment obtained from local raw materials.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХАТАМОВ ХАЙРУЛЛА МУСУРМОНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН ОЛИНГАН СУРТМА
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ
ХОССАЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib528 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Уразметова Маиса Дмитриевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Юлдашев Илхом Рузиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Ахмедова Холида Юлдашевна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Н.Я.Файзуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги йилларда дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида аллергия касалликлар ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...аллергия касалликлар ривожланган мамлакатлар аҳолисида 35% гача, ноқулай экологик минтақаларда эса 40-50% гача учрамоқда. Аллергия касалликларнинг 40-60%ни аллергия дерматозлар ташкил этаётган бўлса, атопик дерматит эса аллергия касалликларнинг 40-60% ни ташкил этмоқда»¹. Даволаш мақсадида қўлланилаётган замонавий аллергияга қарши препаратларнинг асосий қисми синтетик дори воситаларидир. Бу борада маҳаллий таъсирга эга суртма шаклидаги, ноғўя таъсири йўқ ва қарамлик пайдо қилмайдиган табиий препаратларни яратишга эътибор кучаймоқда. Аллергия патологиялар патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни даволаш учун маҳаллий хомашёлардан фаол моддаларини ажратиш олиш ва улар асосида дори воситалари ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида аллергия касалликларни даволаш чора-тадбирларида маҳаллий хомашёдан олинган биологик фаол моддалар асосидаги препаратларнинг иммунопатологик жараёнларига таъсирини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ўсимликларнинг биологик фаол компонентларидан бири бўлган табиий флавоноид бирикмаларининг аллергия жараёнларига таъсирини аниқлаш, контактли дерматитнинг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, алергодерматозларини даволашда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб, дори воситаларини яратиш ва тиббиётга жорий қилиш, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган фаол моддалардан суртма дори воситасини ишлаб чиқиш, оптимал миқдорини аниқлаш ва аллергия жараёнларни даволашда ишлатиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, маҳаллий хомашё асосида аллергияга қарши дори воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий доривор ўсимликлардан аллергияга қарши фаол моддаларни ажратиш олиш, улар асосида дори препаратларни яратиш орқали маҳаллий дори воситалари бозорини бойитиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ WorldHealthOrganizationwebsite, 2017, <http://www.who.inthealthinfostatistics>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги “Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон-ПФ. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергик касалликларини профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Маҳаллий хомашёлардан олинган таркибда ўсимлик флавоноидлари бўлган суртма дори воситаларининг аллергияга қарши хоссаларини баҳолашга илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Department of Respiratory Medicine, Allergy and Rheumatic Diseases, Osaka University Medical School and Nissay Hospital (Япония), Division of Allergy Department of Pediatrics, Doruz Eylul Hospital Izmir (Туркия), Department of Dermatology, University of Freiburg Department of (Германия), Department of Pediatric, Mashad University of Medical Sciences, Mashhad (Эрон), Department of Immunology, School of Medicine, Isfahan University of Medical Sciences, Isfahan (Эрон), Department of Respiration, Tianjin First Central Hospital, Tianjin (Хитой), Department of Clinical Application of Biologics, Osaka University Graduate School of Medicine Osaka (Япония), Department of Nutrition and Preventive Medicine, Norwich Medical School, University of East Anglia (Англия), Витебск давлат тиббиёт университети (Беларуссия), Башқирдистон давлат тиббиёт университети (Россия), Харьков фармацевтика университети (Украина), Самара давлат тиббиёт университети (Россия), Ўсимлик моддалари кимёси ҳамда Иммунология ва инсон геномикаси институтида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда флавоноидлар ва қизил мия илдизининг аллергияга қарши таъсирини аниқлаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: *Mentha piperita* L. ўсимлигидан ажратиб олинган флавоноидли гликозидларнинг сичқонларда аллергодерматитда аллергияга қарши хусусияти аниқланган (Allergy and Rheumatic Diseases, Osaka University Medical School and Nissay Hospital, Япония); Беларуссияда ўсадиган қорақиз ўтининг полисахарид

³ www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC5183723/, <https://www.fundamental-research.ru/ru/article/viewid=34320>, <http://journal.asu.ru/cw/index>, <http://journal.asu.ru/index.php/cw/article/view/1121>, [http://www.jstage.jst.go.jp/trehrazdelnoy%20\(1\).pdf](http://www.jstage.jst.go.jp/trehrazdelnoy%20(1).pdf), <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30848569>, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27881391/>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4935181/>, www.vsmu.by, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30984577/>

ва флаваноидлари семиз хужайраларнинг мембраналарини мустахкамловчи хусусиятлари аниқланган (Витебск давлат тиббиёт институти, Белоруссия); флавоноидларнинг антиаллергик, антиканцероген, яллиғланишга қарши, иммунитетни қўтарувчи, апоптоз, бактерия ва вирусга қарши, гиполипидемик, антиоксидант хусусиятлари аниқланган (Чита давлат тиббиёт академияси, Россия; University of Warsaw, Faculty of Pharmacy, Department of Physical Chemistry, Польша); *Panax ginseng* ўсимлигининг экстракти лимфа хужайралари пролиферациясини жадаллаштирувчи таъсири аниқланган (Россия давлат тиббиёт университети, Россия); *Chamomilla recutita*, *Glycyrrhiza glabra* ва *Bidens tripartita* йиғмасининг аллергия касалликларга қарши таъсири аниқланган (Саратов давлат тиббиёт университети, Россия);

Бугунги кунда жахон миқёсида ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларини аллергия ҳолатларга таъсирини баҳолаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: учбўлакли қорақиз ўти қуюқ экстрактининг аллергияга қарши таъсирини аниқлаш; қорақиз ўти флавоноидлар фракциясини тажрибада аллергияга қарши (антианафилактик) ва семиз хужайраларнинг мембраналарини мустахкамловчи хусусиятларини аниқлаш, ўсимлик экстрактларидан ажратиб олинган биологик фаол моддаларни тажрибавий ҳайвонлар иммун тизимига таъсир механизмини аниқлаш; *Glycyrrhiza glabra*нинг аутоиммун касалликлар, псориаз, терининг яллиғланиш касалликлари, аллергия касалликларни даволашда вирусга қарши ва гепатопротекторлик хусусиятларини аниқлаш; *Ferula sinkiangensis* сувли экстрактини эндокрин тизим фаолиятига таъсирини аниқлаш; худудий шароитда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларини амалиётга тадбиқ қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликлар қадим замонлардан инсониятга маълум. Узоқ йиллар давомида касалликларни даволашда доривор ўсимликлар асосий манба бўлиб ҳисобланган. Табиий хом ашё асосида олинадиган доривор препаратларнинг синтетик усулда олинадиган препаратларга қараганда бир қатор афзалликларга (организмда енгил ўзлаштирилиши, ножўя таъсирлари бўлмаслиги, захарлилик хусусияти йўқлиги ёки жуда ҳам камлиги) эга эканлиги билан ажралиб туради (Самбукова Т.В. ва б.к. 2017; Кошелева И.В., Хасанова А.Р. 2018; Горский В.С. ва б.к. 2018; Сысоева Т.В. 2011). Табобатда узоқ йиллардан буён қорақиз ўтининг дамламаларидан болаларда бўладиган диатезлар, аллергия дерматозларни даволашда оғиз орқали ичишга ёки терида суртиб касалликларини даволашда кенг қўлланилиб келинган.

Охириги йилларда эса уч бўлакли қорақиз ўтидан ажратиб олинган қуюқ экстракти (флавоноидлар йиғиндиси) асосидаги таблетка шаклидаги “Аллергодаф” дори воситаси яратилди ва ушбу препаратнинг тери аллергиясини даволашда зиртек таблеткасига қараганда самарали таъсир қилиши ҳамда қорақиз ўтининг полисахарид ва флаваноидлари фракциялари аллергияга қарши ва семиз хужайраларнинг мембраналарини мустахкамловчи хусусиятлари аниқланди (Суяров А.А. 2018; Корожан Н.В., 2016; Куркина А.В., 2011; Man N.H. et al., 2002).

Қизил мия илдизи препаратлари ҳам: аллергия касалликлар, аддисон касаллигини, тизимли қизил югурук, пўрсилдоқ яра, сурункали тери касалликлари, бронхиал астма, экзема, нейродермит, аллергия дерматитларларни даволашда унинг қиёмини суртишга ёки ичишга ва глицирам таблеткаси эса ичишга буюрилади. Қизил мия илдизи ва унинг препаратлари тиббиёт амалиётида аллергияга қарши модда сифатида қўлланилади ҳамда кортизолга нисбатан фарқли равишда организмнинг физиологик ҳимоясини бузмайди (Запесочная Г.Г., 1994; Глухова Д.А., 2014).

Атопик дерматитларни даволашда қизил мия илдизи ва шалфей экстрактдан тайёрлаган суртма «Дермасол» ва ванналар учун грануларлар «Сальвисол» яратилган (Тагиева З.Б., 2011). Терининг дермал хужайраларини аутофибробласт экиб янгида даволаш усули, куйиш жароҳатларида, ҳаттоки, ҳозиргача ҳаёт учун хавфли бўлган тананинг катта ҳажмдаги куйишларида самарали ҳисобланади. Бунда амалиётда қизил мия илдизи билан бойитилган плазма тромбоцитлари қўлланилиб, тажриба усулида каламушларда контакт йўли билан III A даражали термик куйиш чақирилиб, хужайраларнинг тикланиши левамеколь суртмасига қараганда 1,5-2 мартагача тезлаштирган (Самаева Е.В., 2016). Ҳозирда қизил мия илдизи экстрактдан олинган глидеринининг 1% ва 2%ли суртмалари (Россия) аллергия дерматит, атопик дерматит, диффузли нейродермит, экземаларни даволашда қўлланилади.

Шундай қилиб, маҳаллий фаунамиз уч бўлакли қорақиз ўти ва қизил мия ўсимлигига бой бўлсада, ҳозиргача маҳаллий қорақиз ўтининг қуюқ экстракти (флавоноидлар йиғиндиси) ҳамда қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган маҳаллий тери аллергиясига қарши суртма дори воситалари яратилмаган. Ушбу дори препаратини яратиш муаммоси долзарб бўлиб, амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Имунология ва инсон геномикаси институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170922217 «Маҳаллий хомашёлардан олинган тери аллергиясини даволаш учун суртма шаклидаги янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва клиника олди тадқиқотларидан ўтказиш» (2018-2020 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлардан олинган суртма дори воситаларининг аллергияга қарши хоссаларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

қорақиз ўти қуюқ экстракти гидрофоб асосили суртма дори воситасини тери аллергиясини даволашдаги оптимал миқдорини аниқлаш;

қорақиз ўти қуюқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситасининг самарадорлигини бошқа суртма дори воситалари билан қиёсий баҳолаш;

қизил мия илдизи қуруқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситасини аллергия дерматитни даволашдаги оптимал миқдорини аниқлаш;

қизил мия илдизи қуруқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситасининг аллергияга қарши хусусиятини бошқа суртма дори воситалари билан қиёсий баҳолаш;

қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган қўшма суртма дори воситасининг контактли аллергия дерматитни даволашдаги оптимал миқдорини аниқлаш;

қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактлари асосидаги суртма дори воситасининг самарадорлигини бошқа дори воситалари билан қиёсий баҳолаш;

қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган суртма дори воситасининг заҳарлилигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вазни 300-400 г бўлган 142 та денгиз чўчкачалари, вазни 150-190 г бўлган 50 та зотсиз каламуш ва вазни 18-22 г бўлган 50 дона оқ зотсиз сичқонлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида денгиз чўчкачалари териси ва терисидан олинган кесма, каламушлар думи, териси ва терисидан олинган кесма ҳамда сичқонлар думи олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аллергиялогик, морфология, токсикология ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қорақиз ўти қуюқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситаси аллергия жараёнида Н₁-гистамин рецепторларини блоклаши сабабли контактли аллергия дерматит белгиларини (шиш, гиперимия, тери инфильтрацияси, яра ҳосил бўлиши) бартараф этиши аниқланган;

илк бор қизил мия илдизи қуруқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситаси теридаги аллергия яллиғланиш жараёнида HMGB1 (high-mobility group protein B1) экспрессиясини блоклаши натижасида тажрибавий хайвонлар терисидаги дерматит белгилари камайишига олиб келиши исботланган;

илк бор қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган қўшма суртма дори воситаси контактли аллергия дерматитда яллиғланиш жараёнининг ҳам экссудатив, ҳам пролифератив фазасини пасайтириши хисобига визуал яллиғланиш (тери бурмалари ўлчамларига ва маҳаллий ҳарорат кўрсаткичлари) белгиларини камайтириши аниқланган;

илк бор қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан олинган қўшма суртма дори воситаси референс-препаратлари псило-бальзам ва целестодерм В суртмаларига қараганда аллергиядерматозлар механизмидаги яллиғланиш инфильтрацияси ва оксидланиш жараёнига қарши таъсири эрта бошланиши ҳамда узоқ муддатларда сақланиб қолиши аниқланган;

илк бор тажрибавий хайвонлар терисидаги контактли дерматит жараёнининг оғирлик даражасини камайиш индекси (Ind) хайвонларнинг терисидаги аллергия яллиғланиш белгилари камайиши ҳамда тери бурмалари қалинлиги камайиши билан тўғри пропорционал корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёдан олинган препаратларини контактли аллергия дерматит белгиларини бартараф этишни баҳолаш усули яратилган;

қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан тайёрланган суртма дори воситаси тери аллергияк яллиғланишларга қарши қўлланилиши асосланган;

қорақиз ўтининг қуюқ ва қизил мия қуруқ экстрактлари асосидаги суртма дори воситаси аллергодерматозларни даволашдаги самарадорлиги псило-бальзам ва целестодерм В суртмаларига қараганда устунроқ эканлиги исботланган;

маҳаллий хомашёлардан олинган қорақиз ўтининг қуюқ экстракти ва қизил мия қуруқ экстрактлари қўшма 4% ли суртмаси зарарсиз ва контактли аллергияк дерматит белгиларини бартараф этувчи оптимал миқдор эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳайвонлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлардан олинган суртма дори воситаларининг аллергияга қарши хоссаларини баҳолаш қизил мия илдизи қуруқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситаси теридаги аллергияк яллиғланиш жараёнида Н₁-гистамин рецепторларини ва HMGB1 (high-mobility group protein B1) экспрессиясини блоклаши, натижада аллергиядаги ҳам экссудатив, ҳам пролифератив фазани пасайтириши ҳисобига визуал яллиғланиш (тери бурмалари ўлчамларига ва маҳаллий ҳарорат кўрсаткичлари) белгиларини камайтириши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлдан олинган препаратларини контактли аллергияк дерматит белгиларини бартараф этишни баҳолаш усули яратилганлиги, қорақиз ўти қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларидан тайёрланган суртма дори воситаси тери аллергияк яллиғланишларга қарши қўлланилиши асосланганлиги, даволашдаги самарадорлиги псило-бальзам ва целестодерм В суртмаларига қараганда устунроқ эканлигилиги, 4% ли суртмаси зарарсиз ва контактли аллергияк дерматит белгиларини бартараф этувчи оптимал миқдор эканлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлардан олинган суртма дори воситаларининг аллергияга қарши хоссаларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қорақиз ўти қуюқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситасининг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тери аллергиясини даволаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-з/ 506-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши қорақиз ўти қуюқ экстракти асосида олинган янги аллергияга қарши

суртма дори воситаси тери аллергик касалликларини даволаш учун хизмат қилган;

қизил мия илдизи қуруқ экстракти гидрофоб асосли суртма дори воситасини аллергик дерматитни даволашдаги оптимал миқдорини аниқлаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тери аллергиясини қизил мия илдизи қуруқ экстракти суртмаси билан даволаш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-з/506-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши қизил мия илдизи қуруқ экстракти асосида олинган янги суртма дори воситаси аллергодерматозларда аллергик яллиғланиш жараёнини бартараф этишга хизмат қилган;

маҳаллий хомашёлардан олинган суртма дори воситаларининг контактли аллергияга қарши хоссаларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарканд давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Ўзбекистон миллий университети, Ўсимлик моддалар кимёси институти амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 4 июлдаги 08-19282-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши ўз вақтида аллергияга қарши даволаш чора-тадбирларини амалга оширишга, самарадорлиги жиҳатидан хориж аналогидан қолишмайдиган, импорт ўрнини босувчи ва мамлакатимиз бозорини маҳаллий хомашёдан олинадиган зарарсиз арзон дори воситалари билан бойитишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан 18 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Флованоидларни олиш манбалари ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда биологик хоссалари» деб номланган биринчи боби 5 та кичик боблардан иборат бўлиб, унда адабиётлар шарҳи баён қилинган. Унда учбўлакли қорақиз ўти ва қизил мия ўсимлигининг илдизига урғу берилган ҳолда, турли ўсимликлардан ажратиб олинган флавоноидлар ва қизил мия ўсимлигидан олинган флаваноидлар ҳамда бошқа биологик фаол моддалари ҳақида, уларнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари, шу билан бирга аллергодерматозлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объеклари тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, қўйилган муаммоларни ҳал қилишни таъминловчи усуллар ва методологик ёндашувлар келтирилган. Тадқиқотлар 2018 йилдан 2020 йилгача олиб борилди.

Тажрибалар 300-400 гр вазнли денгиз чўчқалари, тана вазни 150-190 гр бўлган оқ зотсиз каламушлар, 18-22 гр бўлган оқ жайдари сичқонларда олиб борилди. Ҳайвонлар стандартли виварий рационда сақланди. Барча манипуляциялар экспериментал ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларнинг муҳофазаси бўйича қабул қилинган Европа конвенцияси асосида олиб борилди (Страсбург, 1986).

Препаратларнинг ҳайвонлардаги тери аллергик реакцияси ўлчамларига, тери бурмаларининг қалинлигига ва маҳаллий тери ҳароратига таъсирини ўрганиш тадқиқотлари денгиз чўчқаларида олиб борилди. Тажрибанинг бошланишида барча денгиз чўчқалари 3x3 см юнги тозаланган майдон терисига П.М. Залкан ва Е.А. Иевлева (1965) усулида, 2,4 динитрохлорбензолнинг (ДНХБ) 5% ли спирт-ацетонли (2:1) эритмасининг 0,1 мл миқдори, кунига бир мартадан 2 кун давомида томизилиб, контактли аллергик дерматит (КАД) чақирилди. 3-кундан бошлаб ҳайвонларнинг аллергик дерматит чақирилган тери соҳасига суртма дори воситаларини суртиш бошланди. Суртмалар суртилаётган барча гуруҳдаги ҳайвонларга кунига 1 маҳалдан 11 кун давомида суртилди. Аллергенни 2,4-ДНХБ охириги томизилган кунидан сўнг тери қопламанинг ўзгариши даволашнинг 1,3,5,7,9 ва 11-кунларида дерматитнинг ривожланиб бориши визуал ҳолатда балли тизимда, тери бурмалари эса микрометр, тана ҳарорати эса электрон термометр ёрдамида ўлчаниб борилди.

Маҳаллий теридаги белгиларнинг оғирлик даражаси И.В. Кутузовнинг (1996) нисбий бирликлари (баллар) бўйича аниқланди.

Препаратнинг ўткир захарлигини аниқлаш каламушларда тери усти усулидаги олиб борилди. Бунинг учун, тажриба ўтказишдан бир кун олдин ҳайвонлар думи илиқ сувда совун билан яхшилаб ювилди. Синов кун сичқонлар ва каламушлар, ҳайвонлар учун махсус мосламаларга фиксацияланиб, думининг эса 2/3 қисми синов моддаси солинган оддий пробиркага ботириб қўйилди. Пробирка ҳарорати 28-30⁰С бўлган сувли ваннага жойлаштирилди. Экспозиция вақти 4 соатни ташкил қилди. Экспозиция муддати тугагандан сўнг, думининг териси шилликланишнинг эхтимолини йўқотиш учун қолдиқ модда тўлиқ чиққунча яхшилаб ювилди. Назорат гуруҳларидаги ҳайвонларга худди шундай шароитда тажриба препарати ўрнига ланолин қўлланилди. Экспозиция вақти тугагандан сўнг, тажриба ўтказилаётган ҳайвонларнинг ҳолати 14 кун давомида

кузатилди. Худди шундай ҳолатда, иккинчи тажрибалар серияси яна қайта 7 кун давомида ўтказилди.

Суртманинг сурункали захарлилигини ўрганиш, тажрибада виварий шароитида каламушларда олиб борилди. Тажриба давомида каламушларнинг елка терисининг 2 см² юнглاردан тозаланган майдон юзасига кунига 1 гдан 60 кун давомида ўрганилаётган препарат сурилиб борилди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга ўрганилаётган суртманинг қўшимча асоси суртилиб борилди. Тажриба охирида каламушлар этаминал натрий (қорин парда ичига 50 мг/кг) норкоз берилди ва декапитация қилинди. Кесилган тери бўлакчалари (суртма сурилган соҳадаги) 10x5 мм ўлчамда кесилиб, Лили ва Карнуа эритмасида 72 соат давомида қотирилди ва стандарт бўйича парафин қопланди. Микротома ёрдамида тайёрланган қалинлиги 10 мкм бўлган парафин бўлакчалари, Браше - Слинченко усулида гематоксилин – эозин, толуидин кўк билан бўялди. Гистологик тадқиқот N-800M маркали ёруғлик микроскопида олиб борилди.

Контактли аллергияк дерматит чақирилган денгиз чўчкачалари устида олиб борилган морфологик текширув, тажриба тугугандан сўнг, 12-куни декапитациядан кейин барча гуруҳдаги ҳайвонлар терисидан аутопсия олинди. Тери бўлакчалари 10%ли нейтрал формалинга солиниб, 48 соат давомида фиксация қилинди. Сўнг оқар сувда ювиб ташланиб, 2-4 соат давомида спиртнинг ошиб борувчи концентрацияси ва хлороформда сувсизлантирилиб, кейин воскли парафинда қотирилди. Парафинли блокдан қалинлиги 5-8 мкм бўлган гистологик кесмалар тайёрланди ҳамда гистологик усулда: умумий морфология учун гематоксилин ва иозин бўёғида бўялди. Парафинли кесмалар хлороформда парафинсизлантирилди ва дистилланган сувда ювилди. Сўнг кесмалар 3 дақиқа давомида гематоксилин эритмасига солиб қўйилди. Кейин 10 дақиқа давомида оқар сувда ювилгандан кейин кесмалар қалинлигига қараб 0,2 дан то 3 дақиқа муддатгача кесмалар эозинда бўялди. Ундан кейин эса спиртнинг 70⁰ дан 96⁰ гача ошиб борувчи концентрациясида сувсизлантирилиб, корбол-ксиллда рангсизлантирилди. Сўнг ксилолга солинди ва бальзамда қотирилди. Натижа: хужайра ядроси кўк-сиёхранг, цитоплазмаси пушти рангда бўялди. Морфологик текширув учун тери наъмуналаридан тайёрланган микропрепаратлар DN-300M бинокуляр видеокамерали микроскопда 10x40 катталиқдаги ўлчамда кўрилди ва ёзилди.

Аллергияга қарши воситаларни манбаси сифатида мураккабгулдошлар Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб учбўлакли қорақиз ўти (*Bidens tripartita* L.) ва дуккакдошлар оиласига кирувчи қизил мия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra*)нинг илдизи олинди. Уч бўлакли қорақиз ўтининг флаваноидларининг қуюқ ва қизил мия илдизидан қуруқ экстрактлари лаборатория ва яримсаноат шароитида олинди.

Суртма дори воситасини асосини олиш ва суртмани тайёрлаш Тошкет вакцина ва зардоблар институтининг профессор. ф.ф.д. Камилов Х.М. билан биргалиқда олиб борилди. Бунда, маҳаллий хомашёлар-ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғини ферментатив перээтерификациялаш орқали суртма учун гидрофоб асос олиш жараёни ва унинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Тадқиқотларни таъминлаш мақсадида гидрофоб асос керакли микдорда тайёрланди. Қайта

эфирлаш жараёнини олиб бориш учун хом ашё сифатида молёғи олиниб, паст оловда эритилди ва ғалвирда сузиб олинди. Совитилгандан кейин мол ёғидан 60 г ва 40г писта ёғи тарозида тортиб олинди. Катализатор сифатида липаза ферменти танланди. Жараён учун липазанинг 17% ли сувли эритмаси тайёрланиб олинди. Аввал ёғ ва мой 50-55⁰С да бир жинсли массага келгунча аралаштиргичда 10 мин. давомида аралаштириб турилди. Сўнгра аралашмага липаза ферменти 1:20 нисбатда кўшилди. Аралашма 45⁰Сда термостатда 40 минут давомида тўхтовсиз аралаштирилди.

Маҳаллий хомашёлардан олинган қорақиз ўтининг қуюқ ва қизил мия экстрактлари иштирокида ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғидан биотехнологик усулда олинган гидрофоб асосли янги суртма шаклидаги дори воситаларининг ҳар хил миқдорларида (%) олиш технологияси ишлаб чиқилди. Суртмалар олиш жараёнида қорақиз ўтидан олинган қуюқ экстракт ва қизил мия қуруқ экстракти 70% ли этил спиртида эритилиб, оз-оздан массани муттасил аралаштириб турган ҳолда, бир жинсли масса ҳосил қилинди. Бунда флавоноидлар йиғиндисининг 1%, 3% ва 5% ли ҳамда қизил мия қуруқ экстрактининг 1%, 3% ва 5% ли суртмалари олинди. Худди юқоридагидек, қорақиз ўтининг қуюқ экстракти ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактлари асосидаги кўшма суртма дори воситасининг 1:1 нисбатдаги 4%, 6%, 8% ва 10% ли миқдорлари тайёрланди. Олинган суртмаларнинг ташқи кўриниши визуал кузатиш асосида баҳоланди. Олинган суртмалар оч кўнғир рангдан тўқ кўнғир ранггача кўринишда бўлди. Тайёрланган суртмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, жумладан, дисперслиги, рН муҳити, коллоид турғунлиги, кислота сони, йод сони ва қовушқоқлиги ХI Давлат фармакопеяси талаблари бўйича аниқланди. Суртма таркибидаги биофаол модда миқдори спектрофотометрик усулида аниқланди. Суртмаларнинг намуналаридан тадқиқотларни таъминлаш учун керакли миқдорларда тайёрланди.

Учбўлакли қорақиз ўтидан флавоноидларининг қуюқ ва қизил мия илдизининг қуруқ экстрактларини ажратиб олиш, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ходимлари (к.ф.н., е.и.х. Абдуллаев Н.Д., т.ф.д. Халилов Р.М., ф.ф.д. Мадрахимов Ш.Н., е.и.х., тех.ф.д. Сотимов Ғ.Б., к.и.х. Котенко Л.Д.) билан ҳамкорликда олиб борилди.

Референс-препаратлари сифатида аллергияга қарши хориж препарати Псило-бальзам (ОАЖ Нижфарм, Россия) ва топик глюкокортикостероидли препарат Целестодерм В суртмаси (Шеринг Плау, Бельгия) олинди.

Тадқиқот натижалари «Excel» стандарт дастурлари пакети ёрдамида статистик жиҳатдан қайта ишланди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш мақсадида r корреляцияси коэффицентини қўллаб, шунингдек, t Стюдент ва Пирсон мезонлари ёрдамида унинг аҳамиятини текшириб корреляцион таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг «Уч бўлакли қорақиз ўтининг қуюқ экстрактидан олинган суртма дори воситасини аллергияга қарши таъсирини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида учбўлакли қорақиз ўтидан ажратиб олинган флавоноидлар йиғиндисининг экспериментал аллергиядаги тери аллергия

реакциясига визуал ва тери бурмалари ўлчамларига таъсирини ҳар хил миқдорларда қиёслаб баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Ҳайвонларга қўлланилган суртмалар рўйхати

Гуруҳлар	Суртмалар
1-гуруҳ	(назорат)
2-гуруҳ	қорақиз ўти қуюқ экстракти 1% ли гидрофоб асосли суртмаси
3-гуруҳ	қорақиз ўти қуюқ экстракти 3% ли гидрофоб асосли суртмаси
4-гуруҳ	қорақиз ўти қуюқ экстракти 5% ли гидрофоб асосли суртмаси
5-гуруҳ	3% қорақиз ўти қуюқ ва қизил мия илдизи қуруқ экстрактларининг 1:1 нисбатдаги гидрофоб асосли суртмаси
6-гуруҳ	3%ли қорақиз ўти қуюқ экстракти вазелин асосли суртмаси

1-гуруҳдаги ҳайвонлар терисида 1-куни бир-биридан чегараланган қизил доғлар, баъзиларида бироз диффуз гиперимия кузатилди ва ўртача $0,6 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 3-куни ўртача $4,6 \pm 0,2$, 5-куни ўртача $4,3 \pm 0,3$ баллни ташкил қилган бўлса, 7, 9 ва 11-кунларда юқоридаги ўзгаришлар сақланиб қолди ва хос равишда $4,4 \pm 0,4$ $4 \pm 0,4$ ва $4,0 \pm 0,4$ балларга тенг бўлди.

2-гуруҳдаги ҳайвонларнинг терисида ҳам биринчи куни бир-биридан чегараланган қизил доғлар ва бироз диффуз гиперимия кузатилиб, ўртача $0,6 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунга келиб ўртача $4,2 \pm 0,3$ балл, 5-куни $4,6 \pm 0,3$ балл, 7-кунида эса ўртача $4,0 \pm 0,2$ балл берилди. 9-кунга келиб теридаги ўзгаришлар ишончли камайиб, $2,9 \pm 0,20$ баллни ($p < 0,05$), 11-кунида эса $1,9 \pm 0,2$ баллга тенг бўлди ($p < 0,001$).


3-гуруҳда тажрибанинг 1-кунида олдинги гуруҳлардагидек ўзгаришлар кузатилиб, $0,6 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунга келиб $4,6 \pm 0,3$ балл, 5-кунида $4,0 \pm 0$ баллга тенг бўлди. 7-кунга келиб, теридаги аллергия яллиғланиш ишончли камайиб борди ва ўртача $3,2 \pm 0,2$ баллни ($p < 0,05$), 9-кунида $2,5 \pm 0,1$ баллни ($p < 0,01$) ва 11-кунида эса ўртача $1,5 \pm 0,1$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди.

4-гуруҳдаги ҳайвонлар терисидаги ўзгаришлар ўртача $0,6 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунга $4,6 \pm 0,3$ балл, 5-куни, $3,8 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 7-кундан ҳайвонлар терисида ўзгаришлар ишончли камайиб, $2,8 \pm 0,1$ балл ($p < 0,001$), 9-куни $1,5 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$) ва 11-кун $0,36 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди ва кўрсакич соғломларга яқинлашиб қолганлиги кузатилди.


5-гуруҳ ҳайвонларида 1-куни ўртача $0,8 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунда $4,8 \pm 0,3$ балл, 5-куни $4,1 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 7-кунга ишончли ўзгаришлар кузатилди ва $3,4 \pm 0,2$ баллни ($p < 0,05$) ташкил қилди. 9-кунида $2,5 \pm 0,1$ балл ($p < 0,01$) ва 11-кунида $1,6 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди.

Кузатувимиздаги 6-гуруҳ ҳайвонларда 1-кунида ҳайвонлар терисидаги жараён $0,8 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунга келиб эса $4,3 \pm 0,3$ балл ва 5-куни $4,2 \pm 0,1$ баллгача ўзгарди. 7-кунга келиб ҳайвонлар терисидаги аллергия яллиғланиш яхшиланиб, $3,2 \pm 0,2$ баллни ($p < 0,05$), 9-кунида $2,3 \pm 0,2$ баллни ($p < 0,001$) ва 11-куни эса ўртача $1,75 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди.

Тажриба натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллий хомашё учбўлакли қорақиз ўтининг қуюқ экстрактидан олинган дори воситаларининг тери аллергиясини даволашда, уларнинг ҳар хил миқдорларини ўрганганимизда, учбўлакли қорақиз ўтининг қуюқ экстрактидан 5% ли гидрофоб асосли суртма миқдори бошқа шаклларига қараганда контактли аллергиялик дерматитни самарадор даволаши аниқланди (1-расм).



1-расм. Контактли аллергиялик дерматитли ҳайвонларни даволашда теридаги ўзгаришларнинг оғирлик даражаси, балларда.



2-расм. Тажриба давомида ҳайвонлар терисидида ҳосил бўлган бурмалар ўлчами (см).

Тажриба жараёнида аллергиялик дерматитнинг кечишини яна бир кўрсаткичи, ҳайвонларнинг тери бурмалари ўлчаниб борилди (2-расм).

1-гурух хайвонлари тери бурмасининг қалинлиги тажрибадан олдинги кўрсаткичи $0,27 \pm 0,02$ см.га, 1-куни эса ўртача $0,21 \pm 0,01$ см.га, 3-кундан 7-кунгача қалинлашиб борди (3-кун $2,36 \pm 0,1$ см, 5-кун $2,9 \pm 0,16$ см, 5-кун $3,0 \pm 0,2$ см). Фақатгина 9-кундан қалинлиги камая бошлади (9-кун $2,3 \pm 0,1$ см, 11-кун $1,6 \pm 0,1$ см).

2-гурух хайвонларида тажрибадан олдинги кўрсаткичи $0,23 \pm 0,02$ см, тажрибанинг 1-кундан 5-кунгача қалинлашиб борганлигини (1-кун $0,46 \pm 0,02$ см, 3-кун $1,41 \pm 0,03$ см, 5-кун $2,8 \pm 0,1$ см), 7-кундан назоратга нисбатан мос равишда ишончли камайганлиги кузатилди (7-куни $1,9 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,3 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 11-куни $0,97 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$)).

3-гурухдаги хайвонларда тажрибадан олдинги ўртача кўрсаткичи $0,25 \pm 0,02$ см, тажрибанинг 1-кунидан 5-кунигача қалинлигининг ошиб борганлигини (1-кун $0,43 \pm 0,01$ см, 3-куни $1,42 \pm 0,1$ см, 5-куни $2,87 \pm 0,1$ см), 7-кундан ишончли камая бошлагани кузатилди (7-куни $1,65 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,3 \pm 0,07$ см ($p < 0,001$) ва 11-куни $0,83 \pm 0,06$ см ($p < 0,001$)).

4-гурухдагиларда тажрибадан олдинги тери бурмаларининг ўртача кўрсаткичи $0,25 \pm 0,02$ см эканлиги ва 1-кунидан 5-кунигача тери қалинлигининг ошиб борганлигини (1-куни $0,44 \pm 0,02$ см, 3-куни $1,51 \pm 0,01$ см ($p < 0,001$), 5-куни $2,3 \pm 0,1$ см ($p < 0,01$), 7-кундан бошлаб камайганлиги аниқланди (7-куни $1,7 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,36 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 11-куни $0,4 \pm 0,03$ см ($p < 0,001$)).

5-гурух хайвонларида тажрибадан олдинги тери бурмаларининг ўртача кўрсаткичи $0,26 \pm 0,02$ см, 1-кундан 5-кунгача қалинлашиб (1-кун $0,48 \pm 0,01$ см, 3-кун $1,21 \pm 0,06$ см ($p < 0,001$), 5-кун $2,7 \pm 0,06$ см), 7-кундан ишончли камайганлиги кузатилди (7-куни $1,83 \pm 0,07$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,55 \pm 0,05$ см ($p < 0,001$), 11-куни $0,83 \pm 0,04$ см ($p < 0,001$)).

6-гурухдаги хайвонларда тери бурмаларининг тажрибадан олдинги $0,21 \pm 0,02$ см, тажрибанинг 1-кунидан 5-кунигача қалинлашганлиги (1-кун $0,45 \pm 0,02$ см, 3-куни $1,5 \pm 0,08$ см, 5-куни $2,75 \pm 0,16$ см), 7-кундан бошлаб ишончли камайганлиги аниқланди (7-куни $1,91 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,33 \pm 0,02$ см ($p < 0,05$) ва 11-куни $0,8 \pm 0,02$ см ($p < 0,001$)).

Тажриба ўтказилган хайвонларнинг тери бурмаларини ўлчаш бўйича хулоса қиладиган бўлсак, даволашнинг 1-кунидан бошлаб барча гуруҳларда тери бурмаларининг 5-кунгача катталашиб, 7-кундан бошлаб барча гуруҳларда тери бурмаларининг назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайиб борганлиги кузатилди. Айниқса, 4-гурух хайвонларининг тери бурмалари бошқа гуруҳдагиларга қараганда, тажрибадан олдинги соғлом ҳолатига деярли яқинлашиб қолди.

Тажрибамизда, тери аллергиясидан яллиғланишидаги тери аллергиясидан иккита параметрни кузатиб, сўнг улар орасидаги боғлиқликни ўрганиш учун корреляцион таҳлил ўтказдик.

Натижалар қуйидагича бўлди, 1-гурух хайвонларида, визуал балл билан тери бурмалари см орасидаги корреляцион боғлиқлик $0,88$ тенг бўлиб, тўғри катта корреляцион боғлиқлик борлигини кўрсатди. 2-гурух хайвонлар орасидаги боғлиқлик $0,62$ га тенг бўлиб, улар орасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик

борлиги, 3-гурух хайвонларида коэффициент 0,55 га тенг бўлиб, ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик, 4-гурух хайвонларида коэффициент 0,68 га тенг эканлиги ва улар орасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик, 5-гурух хайвонлари орасидаги коэффициент 0,33 га тенг бўлиб, улар орасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик ва 6-гурух хайвонлари орасидаги корреляция коэффициенти -0,79 га тенг бўлиб, катта тескари боғланиш борлиги борлиги аниқланди. Яъни, 1-5 гуруҳлардаги яллиғланиш белгилари баллар камайиб бориши билан қалинлигининг ҳам камайиб бориши аниқланди ва аксинча, 6-гурухда унинг тескарисини кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Визуал-балл ва тери қалинлигини ўлчамларининг корреляцион боғлиқлиги.

Гуруҳлар	1-гур.	2-гур.	3-гур.	4-гур.	5-гур.	6-гур.
Ўртача баллар йиғиндиси	3,66	1,91	1,5	0,35	1,58	1,75
Тери бурмалари қалинлиги ўртача ўлчамлари	1,66	0,97	0,83	0,18	0,83	0,8
Корреляцион боғлиқлиги кўрсаткичи	0,88	0,62	0,55	0,68	0,33	-0,79

Шундай қилиб, маҳаллий хомашёдан олинган уч бўлакли қорақиз ўти қуюқ экстрактининг 5% ли янги гидрофоб асосли суртма микдори контактли аллергия дерматитни бошқа микдорларига қараганда самарадор даволаши аниқланди.

Уч бўлакли қорақиз ўтининг қуюқ экстрактининг юқори самарадор шаклини контактли аллергия дерматит чақириб, таъсири антигистамин препарат псило-бальзам ҳамда глюкокортикостероидли суртма целестодерм В билан қиёсий баҳоланди (3-жадвал).

3-жадвал.

Хайвонларга қўлланилган суртмалар рўйхати

Гуруҳлар	Суртмалар
1-гурух	назорат
2-гурух	қорақиз ўти қуюқ экстракти 5% ли гидрофоб асос суртмаси
3-гурух	псило-бальзам
4-гурух	целестодерм В суртмаси

Кузатувимизнинг 1-куни 1-гурухдаги хайвонлар терисида ўзгаришлар ўртача $0,6 \pm 0,1$ балл, 3-куни $4,6 \pm 0,2$ балл, 5-куни $4,3 \pm 0,3$ балл ва 7, 9 ва 11-кунлари хос равишда $4,4 \pm 0,4$ $4 \pm 0,4$ ва $4,0 \pm 0,4$ баллар билан баҳоланди.

2-гурухдаги хайвонлари терисидаги ўзгаришлар фақатгина 7-кундан бошлаб ишончли камая бошлади ((7-кун $2,8 \pm 0,1$ балл ($p < 0,01$), 9-куни $1,5 \pm 0,2$ балл ($p < 0,01$), 11-куни $0,36 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$)).

3-гурухдагиларда хайвонларида фақатгина 11-кунидагина ишончли (($p < 0,01$) $2,3 \pm 0,2$ балл) камайди. Ушбу гурухдаги кўрсаткичлар шу кундан бошлаб, назорат гуруҳидаги нисбатан ишончли ўзгарди.

4-гурух хайвонларида тажрибанинг 9-кундан хайвонлар терисидаги жараён ишончли яхшиланиб, $2,4 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,05$) тенг бўлди. 11-куни эса $1,5 \pm 0,3$ балл ($p < 0,01$) билан баҳоланди.

Тажриба ўтказилган хайвонларнинг тери бурмаларини ўлчаш бўйича хулоса қиладиган бўлсак, даволашнинг 1-кундан бошлаб барча гуруҳларда тери бурмаларининг 5-кунгача катталашиб борганлигини, 7-кундан бошлаб барча гуруҳларда тери бурмаларининг назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайиб борганлиги аниқланди. Айниқса, 2-гурух хайвонларининг тери бурмалари бошқа гуруҳдагиларга қараганда, тажрибадан олдинги соғлом ҳолатига деярли яқинлашиб қолди.

Тери аллергиясини суртмалар билан даволашдаги визуал балл билан тери бурмалари см орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқлаганимизда 1-гуруҳдаги хайвонлардаги корреляцион боғлиқлик $0,88$ тенг бўлиб, тўғри катта корреляцион боғлиқлик борлигини аниқланди. 2- гурух хайвонлар орасидаги боғлиқлик $0,68$ га тенг бўлиб, улар орасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик, 3-гурух хайвонларида коэффициент $1,0$ г га тенг бўлиб, катта тўғри корреляцион боғлиқлик, 4-гурух хайвонларида коэффициент $0,69$ га тенг бўлиб, ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Яъни, барча гуруҳлардаги хайвонларнинг терисидаги аллергияк яллиғланиш белгилари баллари камайиб бориши билан қалинлигининг ҳам камайиб бориши кузатилди.

Морфологик текшируларга асосланиб, уч бўлакли қорақиз ўтининг куюк экстрактдан олинган дори воситасининг 5% ли суртма миқдори псило-бальзам ва целестодерм-В суртмаларига қараганда контактли аллергияк дерматитни самарадор даволаши аниқланди.

Диссертациянинг «Қизил мия илдизининг қуруқ экстрактдан олинган суртма дори воситасини аллергияга қарши таъсирини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида қизил мия илдизи қуруқ экстрактининг бир нечта миқдорларини (1%, 3% ва 5%) назоратга нисбатан қиёсий текшируви ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Хайвонларга қўлланилган суртмалар рўйхати

Гуруҳлар	Суртмалар
1-гуруҳ	(назорат)
2-гуруҳ	Қизил мия қуруқ экстракти 1% ли гидрофоб асос суртмаси
3-гуруҳ	Қизил мия қуруқ экстракти 3% ли гидрофоб асос суртмаси
4-гуруҳ	Қизил мия қуруқ экстракти 5% ли гидрофоб асос суртмаси
5-гуруҳ	3%ли қизил мия қуруқ экстракти вазелин асосли суртмаси

Кузатувимизнинг 1-куни 1-гурухдаги ҳайвонлар терисида ўзгаришлар ўртача $0,6 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 3-кунга келиб терида реакция кескин тус олди ва $4,6 \pm 0,2$ балл ва 5-куни ўртача $4,3 \pm 0,3$ баллни ташкил қилди. 7, 9 ва 11-кунларда юқоридаги ўзгаришлар сақланиб қолди ва хос равишда $4,4 \pm 0,4$ $4 \pm 0,4$ ва $4,0 \pm 0,4$ балларга тенг бўлди.


2-гурухда 1- ўртача $0,6 \pm 0,1$ баллга тенг бўлиб, 3-кунга келиб жараён кескин тус олиб, $4,7 \pm 0,2$ балл билан баҳоланди. Худди шундай ҳолат 5-куни ($4,6 \pm 0,2$) ва 7-кунлари ($4,3 \pm 0,2$) ҳам кузатилди. 9-кунга келиб ўртача $3,0 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,05$), 11-куни эса ўртача $1,8 \pm 0,3$ баллга ($p < 0,001$) тенг бўлди.

Тажрибамиздаги 3-гурух ҳайвонлари терисидаги ўзгаришлар 1-куни ўртача $1,1 \pm 0,2$ балл билан баҳоланди. 3-кун ўртача $4,8 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 5-куни $4,1 \pm 0,3$ балл, 7-куни $3,3 \pm 0,3$ баллга ($p < 0,05$) тенг бўлди. Ушбу кундан ишончли камайиш кузатилди. 9-кунга келиб, ўртача $2,3 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,01$) ва 11-куни ўртача $1,7 \pm 0,3$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди (3-расм).

4-гурухдаги ҳайвонларни кузатганимизда 1-куни ўртача $0,8 \pm 0,1$ балл, 3-куни $4,6 \pm 0,2$ балл ва 5-куни $3,6 \pm 0,4$ балл билан баҳоланди. 7-кунга келиб ўртача $2,7 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,05$), 9-куни $0,8 \pm 0,3$ балл ($p < 0,001$) ва 11-куни ўртача $0,36 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,001$) тенг бўлди.

5-гурух тажриба ҳайвонларида 1-куни ўзгаришлар $0,8 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-куни ўртача $4,6 \pm 0,2$ балл, 5-куни $3,8 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 7-кунга келиб ўртача $3,5 \pm 0,2$ баллга ($p < 0,05$) 9-куни $2,6 \pm 0,1$ баллга ($p < 0,01$) ва 11-кунида эса $1,75 \pm 0,2$ балл ($p < 0,001$) билан баҳоланди.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашё қизил мия илдизи қуруқ экстрактидан олинган дори воситаларининг хар хил миқдорларини ўрганганимизда, қизил мия илдизи қуруқ экстрактидан олинган 5% ли янги гидрофоб асосли суртма миқдори, бошқа миқдорларига қараганда, контактли аллергик дерматитни самарадор даволаши аниқланди (3-расм).



3-расм. Контактли аллергик дерматитли ҳайвонларни даволашда теридаги ўзгаришларнинг оғирлик даражаси, балларда.


Тажриба жараёнида аллергик дерматитнинг кечишининг яна бир кўрсаткичи, ҳайвонларнинг тери бурмалари ўлчаниб борилди.

Тери бурмалари қалинлигини кузатганимизда 1-гурух хайвонларининг тажрибадан олдинги тери бурмаларининг ўртача кўрсаткичи $0,27 \pm 0,02$ смга тенг эканлиги аниқланди. Ушбу гуруҳдаги хайвонларда 1-кун иъзғаришсиз ($0,21 \pm 0,01$ см), 3-кундан 7-кунгача қалинлашиб борди (3-кун $2,36 \pm 0,1$ см, 5-кун $2,9 \pm 0,16$ см, 7-кун $3,0 \pm 0,2$ см). Фақатгина 9-кундан камая бошлади (9-кун $2,3 \pm 0,1$ см, 11-кун $1,6 \pm 0,1$ см).

2-гурухдаги хайвонларда тажрибадан олдинги тери бурмаларининг ўртача кўрсаткичи $0,23 \pm 0,02$ см, тажрибанинг 1-кунидан 5-кунигача ошиб борганлиги (1-кун $0,51 \pm 0,03$ см, 3-кун $1,43 \pm 0,13$ см ($p < 0,01$), 5-кун $2,8 \pm 0,1$ см). 7-кундан бошлаб назоратга нисбатан ишончли камайиб борганлиги аниқланди (7-кун $2,0 \pm 0,15$ см ($p < 0,01$), 9-кун $1,46 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 11-кун $0,91 \pm 0,08$ см ($p < 0,001$)).

3-гурухда тажриба бошлашдан олдин ўртача $0,22 \pm 0,02$ см 1-кунидан 5-кунигача тери бурмалари қалинлиги ошиб борган бўлса, (1-кун $0,42 \pm 0,01$ см, 3-кун $1,47 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 5-кун $2,8 \pm 0,1$ см), 7-кундан бошлаб эса ишончли камайиб бориши кузатилди (7-кун $1,81 \pm 0,06$ см ($p < 0,01$)), 9-кун $1,28 \pm 0,07$ см ($p < 0,01$), 11-кун $0,77 \pm 0,08$ см ($p < 0,001$)).

4-гурухдаги хайвонларини кузатганимизда тажриба бошлашдан олдин $0,23 \pm 0,02$ см бўлиб, 1-кундан бошлаб 5-кунигача ошиб борганлиги (1-кун $0,45 \pm 0,02$ см, 3-кун $1,43 \pm 0,1$ см ($p < 0,001$), 5-кун $2,63 \pm 0,1$ см), 7-кундан эса ишончли камайиб бориб (7-кун $1,73 \pm 0,1$ см ($p < 0,01$), 9-кун $1,23 \pm 0,06$ см ($p < 0,01$), 11-кун $0,46 \pm 0,05$ см ($p < 0,001$)), тажрибадан олдинги соғлом ҳолатга яқинлашиб қолганлиги кузатилди (4-расм).



4-расм. Тажриба давомида хайвонлар терисида ҳосил бўлган бурмалар ўлчами (см).

5-гурухдаги хайвонларда ҳам тери бурмаларининг тажриба бошлашдан олдинги ўртача кўрсаткичи $0,25 \pm 0,02$ см бўлиб, тажрибанинг 1-кунидан 5-

кунигача ошиб борди (1-кун $0,45 \pm 0,02$ см, 3-куни $1,58 \pm 0,08$ см ($p < 0,05$), 5-куни $2,8 \pm 0,15$ см), 7-кундан бошлаб эса назорат гурухига нисбатан мос равишда ишончли камайди (7-куни $1,85 \pm 0,08$ см ($p < 0,001$), 9-куни $1,33 \pm 0,04$ см ($p < 0,001$) ва 11-куни $0,81 \pm 0,04$ см ($p < 0,001$).

Тажриба ўтказилган ҳайвонларнинг тери бурмаларини ўлчаш бўйича хулоса қиладиган бўлсак, даволашнинг 1-кунидан бошлаб барча гурухларда тери бурмаларининг 5-кунгача катталашиб борганлигини, 7-кундан бошлаб барча гурухларда тери бурмаларининг назорат гурухига нисбатан ишончли камайиб борганлиги аниқланди. Айниқса, қизил мия илдизи куруқ экстрактининг 5%ли суртма дори препарати билан даволанган ҳайвонларнинг тери бурмалари бошқа гурухдагиларга қараганда, тажрибадан олдинги соғлом ҳолатига деярли яқинлашиб қолди.

Тадқиқотимиз давомида, ҳайвонлар тери аллергиясини даволаш давомидаги иккита параметр, визуал кузатувимиздаги ҳар бир гурухнинг охириги кун натижасининг баллари кўрсаткичи билан, тери бурмаларининг қалинлигини ва см ўлчамларини орасидаги, ўзаро боғлиқликни корреляцион таҳлил қилинганда, 1-гурух ҳайвонларида 0,88 тенг бўлиб, тўғри катта корреляцион боғлиқлик борлигини аниқланди. 2- гурух ҳайвонлар орасидаги боғлиқлик коэффиценти 0,56 га тенг бўлиб, улар орасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик, 3-гурух ҳайвонларида коэффицент 0,64 га тенг бўлиб, ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик, 4-гурух ҳайвонларида коэффицент 0,87 га тенг эканлиги, 5-гурух ҳайвонларида коэффицент 1,0 тенг бўлиб, улар орасида катта тўғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди (5-жадвал).

